



Марж ас-Саффар жанги (2-кисми)

702-хижрий йил рамазон ойи 2-санаси кун ярмидан окканда хал килувчи жанг бўлиб ўтди. Мўгуллар дархол мусулмонларнинг ўнг канотига хужум уюштиради. Кутлуг бошчилигида 10 минг кишилик мўгул отликлари отряди биринчи зарбани қабул қилган ва катта талафот кўрган мисрлик мамлукларга хужум қилади. Шуниси эътиборга лойикки, ибн Таймийянинг ўзи ҳам мамлуклар билан бир сафда жанг қилади. Шом раҳбарларидан

бири кейинчалик айтганидек: «Жанг фурсати якинлашиб, жангчилар ўз жойларини эгаллаганида шайх ибн Таймийя менга деди: “Мени хар бир кишини мукаррар ўлим кутадиган жойга кўй”. Мен унга душман кўшинининг олд қисми худди селдек ёпирилиб келаётган жойни кўрсатдим: уларнинг қиличлари чопкир отлар туёқлари остидан кўтарилган чанг булути узра яркирарди. Сўнгра мен дедим: “Мана, жаноб, хар бир кишини мукаррар ўлим кутадиган жой, сиз нима истайсиз?” Шайх нигоҳини осмонга каратиб, нималардир деб пичирлади ва душманга ташланди. Менга у Аллохдан душманни халок қилишни сўрагандай ва бунга жавоб шу ондаёқ келадиганда туюлди. Шафқатсиз жанг бошланиб, иккита улкан кўшин тўкнаш келди ва мен шайхни йўқотиб қўйдим ...»

Мўғуллар мусулмонларнинг ўнг қанотида шу қадар каттик ҳужум қилишда давом этдиларки, кўпчилик бу қанот чекинади ва жанг ютказилади, деб ўйларди. Ўнг қанот амирларини ўлдиргач, мўғуллар мамлукларни қуршаб олишга муваффақ бўлдилар. Мўғул отликларининг орқарокка ёриб кирганини кўрган қуролланган хотин-қизлар ва ўсмирлар зўриқишга дош беролмай жанг майдонидан қоча бошладилар. Буни кўриб, мусулмонлар ўнг қаноти амираи Салар хитоб қилди: “Аллохга қасамки, мусулмонлар халок бўлдилар!” Бундай огир пайтда жангда қатнашган барча аскарлар Аллохга шу қадар баланд овоз билан нидо қила бошладилар, дуолар баландлиги жанг садоларини гарк қилиб юборди. Ғалабадан ишончи қомил бўлган Қутлуг мусулмонларнинг мағлубиятига яхшироқ назар ташлаш учун яқин бир тоққа чиқишга қарор қилди. Бирок, мусулмонларнинг юғурмаётганини, аксинча, ўзларини тўғри қизикларда ҳимоя қилаётганини кўриб, у таажжубда қолди. Мусулмонларнинг чап қанот ва марказдаги кўшинлари мўғуллар ҳужумини даф этибгина қолмай, балки ўнг қанотдаги диндош биродарларига ёрдамга қелиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Бундан ташқари, улар ҳатто Қутлуг жойлашган тоққа асосий мўғул қучларини ҳайдаб, қарши ҳужум бошлашга муваффақ бўлдилар. Қун охирига қелиб мўғуллар ва уларнинг бош қўмондони жанг майдонидан қочиш кетди. Воқеаларнинг гувоҳига сўз берайлик: “Мўғуллар қечқурун мағлуб бўлиб, қиличларимиздан қочиш тоққа чекиндилар. Кейин Шайх [Ибн Таймийя] ва унинг биродарларини қўрдим, улар баланд овоз билан жангга қорлаб, қочмасликка ундарди. Мен унга: “Жаноб, ҳурсанд бўлинг, биз қолиб қолдик! Қаранг, мўғуллар биздан қочапти! Эртага ҳаммасини битта қўймасдан қириб ташлаймиз!” дедим. Шунда Шайх Аллохга ҳамд айтди, сўнгра у мен учун дуо қилди, Аллохга қасамки, унинг дуосининг фазилати шу қунгача мен билан қолишини ҳис қиламан”.

Эртасига эрталаб Қутлуг жанг майдонига қайтди-да, яна муваффақиятсизликка учради. Мусулмонларнинг босими шу қадар қучли эдики, қун охирида мўғуллар яна чекинишга мажбур бўлдилар. Шу билан бирга уларнинг кўпчилиги асир олинди. Маҳбусларни сўроқ қилгач, мусулмонлар мўғулларнинг сувсиз қолганлиги учун каттик қийналаётганини билиб олишди. Қимматли маълумотларга эга бўлган Ислом армияси қўмондонлиги ҳарбий ҳийла ишлатишга қарор қилди. Эртаси қуни тонгда мўғуллар дарё томон юра бошлаганда, мусулмонлар уларга тўсқинлик қилмадилар. Ташна душманни атайлаб сувга йўлатдилар. Аммо мўғуллар сувга етиб бориши билан Султон дарҳол бутун қўшинга қатъий ҳужум қилишни буюрди. Арман риқарлари ва қамончилар томонидан қўллаб-қувватланган мўғул отлиқлари бунга қидай олмадилар ва ниҳоят жанг майдонини тарқ эта бошладилар. Улардан қарат бир нечтаси, жумладан, Қутлуг ҳам қочишга муваффақ бўлди.

Рамазон ойининг ушбу муқаддас қунларида Аллох таоло мусулмонларга ёрқин ғалаба

ато этди. Султон дархол Дамашк ва Кохирага хушхабар билан элчилар юборди. Тарихчиларнинг ёзишича, мусулмонлар шодлигининг чеки йўк эди. Дамашкнинг колган аҳолиси шаҳарни безатиб, Музаффар Султонни кутиб олиш учун ташкарига чикдилар, хурсанд бўлиб йигладилар, дуолар билан Аллохга илтижо килиб, миннатдорчилик билдирдилар. Султон Рамазон ойининг охиригача шаҳарда колди ва Шаввол ойининг 1-санасида байрам намозини адо этди.

Икки кундан кейин Кохирага кайтиб кетди. Миср пойтахти ҳам Султонга тантанали зиёфат тайёрлади. Шаҳарга бутун мамлакатдан минглаб мусулмонлар келган. Зодагонлар ва оддий аскарлар куршовида 18 ёшли Султон Кохирага Галаба дарвозасидан кириб келди. Галаба дарвозасидан саройгача бўлган бутун йўл безатилди. Йўлда Султон отасининг, афсонавий Султон Калавуннинг кабрини зиёрат килди, у ерда Аллохга дуолар килди. У кейин саройга караб юрди ва одамларга катта байрам берди. Мусулмон олами кувониб, мўғулларнинг Шомга хужум килиши тахдиди ният барҳам берилди.

Абу Муслим таржимаси